

## Ҳадис дарслари (167-дарс) Ким илмни беркитса, қиёмат куни азобланиши муқаррар



17:00 / 05.01.2022 6278

مَلَسُوهُ لَعَلَّ يَصِيَّبُنَا نَعُ ، هُنَّ لَعَلَّ يَصْرَرَةُ رِيْبِ أَنْع -  
عَمَّ أَيُّ قُلُوبٍ رَانُ نَمِّ مَجَلْبُ لَعَلَّ أَمَّ جَلْبُ نَعُ لَعَلَّ سُنَمُ : لَأَق  
يُذِمُّ رَّتْ لَأَوْدَادُ وَبَأُ هَاوَرُ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким бир илмдан сўралсаю, бас, у ўшани яширса, қиёмат куни Аллоҳ уни оловдан бўлган юган билан юганлайди», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят ривоят қилганлар.

**Шарҳ:** Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу ҳадиси шарифларида илмни яшириш, уни тарқатмасликнинг оқибати ёмон бўлишини баён қилиш билан илмни ёйишга тарғиб қилмоқдалар.

Ким илмни беркитса, уни кишиларга етказмаса, қиёмат куни алоҳида азоб билан азобланиши муқаррарлиги маълум қилинмоқда. Ундай одамни Аллоҳ таоло оловдан бўлган юган билан юганлаб, жаҳаннамга солар ва у ерда яна алоҳида азоб берар экан.

Бошқа тузумларда илм ўз эгасининг мулки ҳисобланади. Олим одам нимани хоҳласа, шуни қилади. Хоҳласа, бировга ўргатади, хоҳламаса, ўргатмайди. Ислонда эса илм олимнинг эмас, балки ўша олим яшаётган жамиятнинг мулки ҳисобланади. Олим эса уни ўзида омонат сақлаб турган одамдир. Жамият қачон муҳтож бўлиб қолса, олим ўша омонатдаги илмдан бериши лозим. Бермаса, хиёнат қилган бўлади. Бу дунёда қутулиб кетса ҳам, охирадда албатта жазосини олади.

Бу ҳадисдан оладиган фойдаларимиз равшан. Илми бор кишилар ўзларидаги илмни беркитмасдан, сўраб келган, ўрганмоқчи бўлган кишиларга ўргатишлари лозим. Агар биров бу йўлда тўсиқ бўлса, барча гуноҳ ўша тўғаноқлик қилган томонга тушади.

***«Ҳадис ва ҳаёт» китоби асосида тайёрланди***